

ҒАЗАЛЛАР

Менга ҳижрон рафику ёр ағёрга ёр бўлди,
Нетайким, гул эмас гулнинг насиби хор бўлди.

Нечун аввал этиб ҳамроз мени ўзига у, охир
Раҳмсиз ёғдириб озор, ўзимдан безор бўлди.

Дилим ҳар лаҳза айлангай унинг кўзлари гирдида,
Мисоли дўстеким бемор бошида жон нисор бўлди.

Кўйингда зору бетоқат юрарман топмайин омад,
Демассан, не учун кўйим аро бу беқарор бўлди.

Кўчангдан итни ҳайдашга топилмас Сайфида журъат,
Киши бир жойга кўп борса, қадр-қиммати хор бўлди.

Ҳамнишинлар, тарки фикри соғару саҳбо қилинг,
Май топиш мушкул эмас, соқийни тез пайдо қилинг.

Зору муҳтожмиз сизга, эй пари рухсоралар,
Биз фақирлар олдида ҳам нозу истиғно қилинг.

Кўрмасам зулфин унинг кўзимга олам зим-зиё,
Эй табиблар, бўлса имкон, дафъи бу савдо қилинг.

Келса у сарвиравон, сочгай чаманлар атрини,
Келмаса, шармандалардай тарки бу маъво қилинг.

Тарк этар Сайфий шаҳарни тошюррак ёр жабридан,
Унга тоқай бу жафолар, ҳолига бир парво қилинг.

Дардидан ўлдим, менга ёр бўлмади дилдор ҳам,
Кимга дардим сўйлайин бўлмаса бир ёр ҳам.

Ҳар кеча зулфи каби тўзгин, паришондир хаёл,

Кундузимда йўқ эрур васлидан бир осор ҳам.

Кўз ёшим ёмғир бўлиб ёғгай кўйингда бераҳм,
Остида ўлмоқ учун кўчангда йўқ девор ҳам.

Нечалар қатлин кўриб, қалбимда юкланди алам,
Кошки ўлсам ҳажр аро мен мискину ночор ҳам.

Дер эмишсан, не мурод ҳусним кўриш Сайфийга,
Бўлмади мақсад насиб, кўрмоқ юзинг бир бор ҳам.

Эй шайх, сен йўлим сўйи харобот айладинг,
Бода истарди бу кўнгил каромат айладинг.

Меҳр тилаб бошдин-оёқ тун бўйин куйсанг-да, шам,
Аҳдга собитлигинг ёдингу исбот айладинг.

Йўқ ишинг ҳажрингда ўлсам, қайда қолди, ул меҳр,
Менга ким кўргузганинг қай кун мулоқот айладинг

Ҳар киши сенга вафолар қилди, афуаллоҳ,
Унга юз турли жафоларни мукофот айладинг.

Жабри жонон бир куни жонингни олгай Сайфий,
Кўрдинг ситам ҳар неданки, мубоҳот айладинг.

Нигорим йўлида қурбон бўлган лаҳза ҳайит менга,
Кўзининг олдида қурбон бўлиш энг эзгу ийд менга.

Ҳайитда бандилар озод бўларкан, ийдлиги борми -
Юсуфнинг ҳуснисиз зиндой саналмасму не суд менга.

Юзингни бур деманг ийдгоҳ сари, қибла жамолидан
Юзим бурсам агар ундай намозлардан не суд менга.

Рақиблар менга қасд айлаб, ҳайитлик ишташар ундан,
Билолмам, бу дилозорлар дегайми ё «унут» менга.

Агар ул ой ҳайит чоғи мени қурбон қилар, Сайфий,
Дуойи жонини қилғум ўқиб такбир, шу ийд менга.

Кетди ёру ўзгаларга меҳрибон бўлди, нетай?
Бора-бора ёргинам номеҳрибон бўлди, нетай?

Қошлари менга ҳилолдан минг чиройли ул санам,
То назар солгунча, кўзимдан ниҳон бўлди, нетай?

Дедиларки, бўлма ошиқ, бўласан расво, вале,
Тингламай пандин, дилим зардобу қон бўлди, нетай?

Токи имкон бор, яширдим меҳрини халқдан унинг,
Аммо, пинҳон сирларим охир аён бўлди, нетай?

Дейди мардум: «Оҳ-фиғон»ни кам айла Сайфий, энди бас,
Воҳки, умрим мазмуни оҳу фиғон бўлди, нетай?

Хушдурур жондан ул жононимки бор,
Садқа айлай унга не жонимки бор.

Этаги чокига гар тушса кўзим,
Тўзғигай бори гирибонимки бор.

Утказар ҳокимга у, деб, қўрқаман,
Бор ғами сарв хиромонимки бор.

Зулфига ёрнинг хануз ошуфтаман,
Шундан ул ҳоли паришонимки бор.

Қўрқмагин Сайфийни «оҳ» у ашкидан,

Ол хавотир тиғи парронимки бор.

Менинг моҳим қаёнгаки сафар қилди,
Мани оворани боз оворалар қилди.

Уни излаб оқизган ашки селобим,
Тамоми шаҳрни зеру-забар қилди.

Кўзи аҳли жаҳон қатлини майл этгач,
Жаҳонни кўрди жонсиз, то назар қилди.

Унинг нозик дили ўзгарди оҳимдан,
Наҳот, ҳар нарсадан бу дил ҳазар қилди?

Жило излар эди тиғингда Сайфий,
Унга боқмоқ насиб, менга агар, қилди.

ҚИТЪАЛАР

Гарчи шеърнинг суннатидир маснавий,
Мен ғазални фарзи айн билгаймен.
Дилни хушнуд айласа шу бешта байт.
Яхшироқ деб Хамсадан, билгаймен.

Ўтди умр тақво йўлида,
Ҳеч ишимда расми қоида йўқ.
Бесамарликда оқарди соч ҳам,
Соқол юлмоқдан энди фойда йўқ.

ФАРДЛАР

Бўйла, жонон ишқиданки, жон топибдур бу таним,
Ким деса: «Тарк эт уни», у душмани жоним маним.

Сен томондан келса ким, йўлида тупроқ бўлай,
Сўнг изидан эргашиб, сен томон чангдай келай,

Эй, шӯх, ёдларман сени ҳар ерда бемехрлик ила,
Токи қолса дўстларингни кўнгли сендан бир йўла.

Агарчи ёримда йўқдир расми дилдорлик,
Шод эрурман, ўзгага ҳам айламас деб, ёрлик.